
ТУШУНТИРИШ МУАММОГА ЕЧИМ ЭМАС

Олтинчи чақриқ халқ депутатлари Ёзёвон туман Кенгашининг навбатдаги XXVIII сессияси бўлиб ўтди.

Сессияни туман Кенгаши раиси Д.Джалилов очди ва олиб борди.

Сессияда туман ҳокимининг тегишли ўринбосарлари, туман сектор раҳбарлари, кун тартибига киритилган масалага алоқадор давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари ва ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Сессия котиблигига 19-Паст маҳалла сайлов округидан депутат Ҳумоюн Аҳмаджонов сайланди.

Сессияда Ёзёвон тумани ҳокими Д.Джалиловнинг “Худудларда тадбиркорликни ривожлантириш, қўшимча иш ўринлари яратиш ва бюджетга тушумларни кўпайтириш бўйича биринчи ярим йилида амалга оширилган ишлар тўғрисида”ги ахбороти тингланди.

-Тадбиркорлардан тушаётган мурожаатларнинг аксариятига “тушунтирилди”, деб жавоб берилди, – деди туман ҳокими ўз маърузасида. – Тушунтириш – бу мурожаатга ечим эмас. Бундан буён ҳар бир мурожаатга ечим топиб, тадбиркорга дўст бўлиш керак.

Кун тартибидеги масала юзасидан депутат И.Шералиев ўз мулоҳазаларини билдирди.

Шунингдек Ёзёвон тумани суди раиси Раҳмат Арапов 2021 йил I чорагидаги суд фаолияти юзасидан, Марғилон туманлараро фуқаролик ишлари бўйича суди раиси Ҳамдам Ҳошимов маъруза қилдилар.

Кун тартибидеги кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2021-04-15 16:37:14